XALQ DEPUTATLARI ROMITON TUMANI KENGASHI QARORI

2021 - yil 30 - dekabr VI-56-100-2-40-K/21 Romitan tuman hokimligi

Ромитан тумани бўйича 2022 йил учун жисмоний ва юридик шахсларнинг ер солиғи ставкаларини тасдиқлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодексининг 429 ва 437-моддалари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 3 декабрдаги “ Ресурс солиқлари ва мол-мулк солиғини янада такомиллаштириш тўғрисида” ПФ-6121-сонли Фармони ҳамда вилоят хокимлиги молия бош бошқармасининг 2021 йил 12 ноябрдаги 01/06/20-02-38/67-сонли ва вилоят давлат солиқ бошқармасининг 2021 йил 12 ноябрдаги 19/10-76108-сонли қўшма хатларига асосан Ромитан тумани бўйича юридик шахсларнинг қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерлари ва жисмоний шахслар учун белгиланган ер солиқларининг 2022 йил учун солиқ ставкаларини тартибга солиш мақсадида Халқ депутатлари Ромитан тумани Кенгаши

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Вилоят ҳокимлиги молия бош бошқармасининг 2021 йил 12 ноябрдаги 01/06/20-02-38/67-сонли ва вилоят давлат солиқ бошқармасининг 2021 йил 12 ноябрдаги 19/10-76108-сонли қўшма хатларига асосан Ромитан туманида бўйича юридик шахсларнинг қишлоқ хўжалигида мўлжалланмаган ерлари базавий солиқ ставкаси 1 гектар учун мутлақ миқдори 29,3 млн.сўм ҳамда жисмоний шахсларга 1 кв.м учун базавий солиқ ставкасининг мутлақ миқдори 263 сўм белгиланиши маълумот учун қабул қилинсин.

2. Туман ҳокимлиги молия бўлими (А.Сафаров) ҳамда туман давлат солиқ инспекцияси (У.Ражабов)нинг маҳалла фуқаролар йиғинларининг иқтисодий ривожланганлик даражаси ҳамда келгуси йил учун белгиланган туман маҳаллий бюджет прогнозидан келиб чиқиб маҳалла фуқаролар йиғинлари бўйича 2022 йилда туман бўйича юридик ва жисмоний шахсларнинг базавий ер солиғи ставкаларининг мутлақ миқдорларига нисбатан камайтирилувчи ва оширилувчи

коэффициентларни қўллаш бўйича таклифлари инобатга олинсин.

3. Маҳалла фуқаролар йиғинлариниг иқтисодий салоҳияти ва ривожланишига қараб, қишлоқ хўжалиги учун мўлжалланмаган ерлар учун юридик ва жисмоний шахслар бўйича 2022 йилда Ромитан тумани учун мутлоқ миқдорда белгиланган ер солиғининг базавий солиқ ставкаларига қўлланиладиган коэффициентлар миқдорлари 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Халқ депутатлари Ромитан туман Кенгашлари 2020 йил 28 декабрдаги 94/22-VI-сонли қарорининг 2-иловаси 2022 йил 1 январдан ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

5. Туман ҳокимлиги ушбу қарор билан маъқулланган Ромитан тумани бўйича 2022 йил учун жисмоний ва юридик шахсларнинг ер солиғи ставкаларини оммавий ахборот воситаларида ва туман ҳокимлигининг расмий вебсайтида эълон қилсин.

6. Мазкур қарор бажарилишининг назорати Халқ депутатлари туман Кенгашининг маҳаллий бюджет, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш, инвестициялар ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари бўйича доимий комиссияси ва туман ҳокимлиги зиммасига юклатилсин.

7. Ушбу қарор 2022 йил 1 январдан эътиборан кучга киради.

Sessiya raisi **Toyirov S. S.**

Халқ депутатлари Ромитан туман
Кенгашининг
2021 йил 30 декабрдаги
VI-56-100-2-40-K/21-сон қарорига
1-илова

Ромитан тумани ҳудудларида қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер учун қишлоқлар ва маҳаллалар кесимида белгиланган ставкалар

Ҳудуд коди	Туман(шахар)даги МФЙ номи	Қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерлар учун юридик шахсларга ер солиғи ставкаси		Жисмоний шахслар учун ер солиғи ставкаси	
		Коэффициент миқдори (0,7 дан 3 гача)	Солиқ суммаси (1 гектар учун, сўмда)	Коэффициент миқдори (0,7 дан 3 гача)	Солиқ суммаси (1 кв.м учун, сўмда)
1	2	3	4	5	6
	Ромитан тумани	**1,0**	**29 290 000**	**1,0**	**263**
1	Зарафшон МФЙ	1,08	31 574 931	1,10	295
2	Алишер Навоий МФЙ	1,08	31 574 931	1,10	295
3	Бобир МФЙ	1,08	31 574 931	1,10	295
4	Ибн Сино МФЙ	1,08	31 574 931	1,10	295
5	Афросиёб МФЙ	1,13	33 010 155	1,15	308
6	Гулистон МФЙ	1,08	31 574 931	1,10	295
7	Тарнаут МФЙ	1,03	30 139 707	1,05	281
8	Атторон МФЙ	1,03	30 139 707	1,05	281
9	Миришкор МФЙ	1,03	30 139 707	1,05	281
10	Боғча МФЙ	1,03	30 139 707	1,05	281
11	Ўба МФЙ	1,03	30 139 707	1,05	281
12	Кахрамон МФЙ	1,03	30 139 707	1,05	281
13	Ромитан МФЙ	1,03	30 139 707	1,05	281
14	Қалайчорбоғ МФЙ	1,03	30 139 707	1,05	281
15	Муғонча МФЙ	1,03	30 139 707	1,05	281
16	Челонғу МФЙ	0,98	28 704 483	1,00	268
17	Чандир МФЙ	0,98	28 704 483	1,00	268
18	Тошработ МФЙ	0,98	28 704 483	1,00	268
19	Урганжиён МФЙ	0,98	28 704 483	1,00	268
20	Хоса МФЙ	0,98	28 704 483	1,00	268
21	Ғазберон МФЙ	0,98	28 704 483	1,00	268
22	Деча МФЙ	0,98	28 704 483	1,00	268
23	Қўрғон МФЙ	0,98	28 704 483	1,00	268
24	Азизон МФЙ	0,98	28 704 483	1,00	268

25	Бахтиёрчи МФЙ	0,98	28 704 483	1,00	268
26	Ўзбекистон МФЙ	0,98	28 704 483	1,00	268
27	Самосий МФЙ	0,98	28 704 483	1,00	268
28	Ўтабек МФЙ	0,98	28 704 483	1,00	268
29	Шўробод МФЙ	0,98	28 704 483	1,00	268
30	Навбахор МФЙ	0,98	28 704 483	1,00	268
31	Истиқлол МФЙ	0,98	28 704 483	1,00	268
32	Шўрча МФЙ	0,98	28 704 483	1,00	268
33	Ифтихор МФЙ	0,98	28 704 483	1,00	268
34	Қумробот МФЙ	0,98	28 704 483	1,00	268
35	Хазортут МФЙ	0,98	28 704 483	1,00	268
36	Хофизработ МФЙ	0,98	28 704 483	1,00	268
37	Боғисайдон МФЙ	0,98	28 704 483	1,00	268
38	Боғитуркон МФЙ	0,98	28 704 483	1,00	268
39	Хўжауббон МФЙ	0,98	28 704 483	1,00	268
40	Марзия МФЙ	0,98	28 704 483	1,00	268
41	Пойжўй МФЙ	0,98	28 704 483	0,90	241
42	Қоқиштувон МФЙ	0,98	28 704 483	0,75	201
43	Газли МФЙ	0,98	28 704 483	0,75	201
44	Байналминал МФЙ	0,98	28 704 483	0,75	201
45	Қизилравот МФЙ	0,74	21 528 362	0,75	201